

МУҒАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 6/6 - 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Марифжон АХМЕДОВ
Гулзада БАЙМУРАТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Дилдора ДАВРОНОВА
Маманазар ДЖУМАЕВ
Мәмбет ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Даврон ИСМОИЛОВ
Феруза САПАЕВА
Раънохон ОРИПОВА
Арзы ПАЗЫЛОВ
Джавдод ПЎЛАТОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Амина ТЕМИРБЕКОВА
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Нурзода ТОШЕВА
Ризамат ШОДИЕВ
Сурайе ШАРИПОВА
Рухшона ИСРОИЛОВА
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРҒАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хәм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

Mavlonova K. Ona tili darslarida matn tuzilishiga doir mashqlar tasnifi	5
Amirkulova Z. M., Kurbanova S. N. Ona tili va o'qish savodxonligi darslarida zamonaviy texnologiyalardan foydalanish(keys -stadi misolida)	10
Бабаева Ш. Б. Метод моделирования - прагматический аспект в лингвистике	12

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Сапаров Т. Т. Саламатлиқти сақлаўға бағдарланған технологиялар ҳаққинда түсиник	19
Abdullaev A., Saparov A. Bult texnologiyalaridan paydalanish metodikasi	24
Utemuratov B. K. Ushma orta bilim berish mektep oqishchilarida kommunikativlik kompetentiyalarni qaliblestirish strategiyalari	34
Байжанов Т.Ж. Мактабгача таълим тизимида педагог ходимларнинг касбий компетентлигини ошириш масалалари	39
Кенесбаева Э. Ж. Модулли технологиялар ёрдамида ўқувчиларнинг интеллектуал соҳаларини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари	43
Norliyev A. Boshlang'ich sinflarda adabiy ta'limning umumnazariy masalalari va o'quvchilarda intellektual anglash malakalarini shakllantirish	46
Pardayeva K. Z., Zamonova Sh. S. Bo'lajak o'qituvchilarning mediakompetentligini rivojlantirishning nazariy asoslari	50
Sayfullaev G. M., Sattorova D., Xaitova N. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida tabiiy bilimlar haqidagi tasavvur va tushunchalarni shakllantirish hamda rivojlantirishning uslubiy asoslari	54
Ibrohimova M. F. Boshlang'ich sinflarda mantiqiy tafakkurni rivojlantirishda grafik va jadval ko'rinishidagi topshiriqlardan foydalanish	58
Olloqova O'. M. O'quvchilarning pragmatik kompetensiyasini shakllantirishning nazariy-metodik asoslari	61
Qurbonova Sh. N. Boshlang'ich sinf texnologiya darslariga intensiv ta'limni tashkil etish	65
Yusufzoda Sh. Y. Alifbe davrida yozuv texnikasini o'rgatishning o'ziga xos xususiyatlari	71
Жаббарова А. Ш. Бошланғич синфларда бадиий асар эпизодлари масаласи ва эстетик таҳлил методлари	75
Пўлотова Ю. Бошланғич синф она тили ва ўқиш дарсларида ахборот-ресурслар интеграциясини таъминлашда ўқитувчи компетентлиги	78
Пўлотова Ю. Бошланғич синф она тили ва ўқиш дарсларида ахборот-ресурслар интеграцияси методик муаммо сифатида	84
Тошпулатова Н. Илмий дунёқарашни шакллантириш ва ўқувчиларни ақлий тарбиялаш (аниқ ва табиий фанлар мисолида)	91
Самнев А. С. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштиришда ҳадис намуналаридан фойдаланиш	96
Салохитдинова Н. М. Бошланғич синфларда интеграциялашган таълимни такомиллаштириш технологияси	102
Самнев А. С. Ҳадис маънавият ва ахлоқ	107
Имонова М. Б. Характер акцентуациясининг деструктив хулқ шаклланишига оиланинг таъсири	113
Джуракулова А. Х., Холиқмуродова Д. Х. Бошланғич синф ўқувчиларнинг коммуникатив қобилиятларини шакллантиришнинг психологик ва педагогик хусусиятлари	116
Xidirova M. M. O'quvchi-yoshlarning ma'naviy tafakkurini shakllantirishda oila va mahallaning o'rni	120

МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ

Кенесбаева Э. Ж.

*Ажсиниёз номидаги Нукус давлат
педагогика институти таянч докторанти*

Таянч сўзлар: модулли технологиялар, дидактик имкониятлар, интеллектуал соҳа, ривожлантириш, модулли таълим технологияси.

Ключевые слова: модульные технологии, дидактические возможности, интеллектуальный отрасль, развитие, модульная образовательная технология.

Key words: modular technologies, didactic opportunities, intellectual branch, development, modular educational technology.

“Модул” атамаси педагогика фанида ўтган XX асрнинг иккинчи ярмидан қўлланила бошланган. Модул атамаси педагогика энциклопедиясида ахборот тизимларида қўлланиладиган конструкциялар, уларнинг мослашувчанлиги, қайта қурилишини таъминловчи таркибий қисмларни ифодаловчи тушунча сифатида таърифланган. Модул - ўқитиш назариясида муайян микдордаги ахборотлар ва ҳаракатлар ҳамда уларнинг таълим олувчилар томонидан мустақил ўзлаштирилишини англатади.

Модул тушунчаси педагогик мазмун моҳиятга эга. У турли фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган конструкцияларни ифодалаб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириб, уларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилади. У таълим мазмунининг қайта шакллантирилишини таъминловчи таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Модул доирасида:

1) таълим мазмуни, унинг таркибий қисмини ифодаловчи ўқув материаллари ўзаро уйғунлаштирилади;

2) ўқув ахборотлари таркибий жиҳатдан кичик-кичик қисмларга ажратилади. Ушбу қисмлар яхлит тугалланган характерга эга бўлиб, уларни ўзлаштириш ўқувчилар учун осон кечади ва уларни мантикий фикрлашга ундайди. Модул муайян ўқув фанига оид тушунчалар мажмуини ҳам ифодалайди. Модул педагогик назарияда аниқ маълумотлар, ҳаракатлар ҳамда уларнинг ўқувчилар томонидан мустақил, ижодий ўзлаштирилишини англатади.

Модулли ўқитиш технологиялари таълим жараёнининг изчил тизим асосида амалга оширилишига имкон яратади. Модулли таълим технологияси – таълим жараёнини модулар (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш) асосида лойиҳалаштирилган тизими.

ЮНЕСКО томонидан эълон қилинган луғатда модулли ўқитиш технологияси таркибига кирадиган бир қатор тушунчаларга таъриф берилган. Улар: модулли ёндашув, модулли жадвал, модулли метод, модулли тайёрлаш кабилар ҳисобланади. Модулли ёндашув доирасида ўқув материаллари ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш нуқтаи назаридан тайёрланилади. Уларнинг ўзлаштиришлари учун тайёр

ҳолатга келтирилади, дарсликларда ўқув блоклари сифатида тақдим этилади.

Дастлаб инглиз тили дарслари модулли ўқитиш технологиялари ёрдамида ташкил этилган. Бундан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришни назарда тутган ҳолда ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун шароит яратишдан иборат. Модулли ўқитиш технологияси ҳар бир дарснинг режаси, ўқувчиларга тақдим этиладиган ахборотлар мажмуи ва дарсда қўйилган педагогик мақсадга эришиш имконини берадиган дидактик кўрсатмалар ва ишланмаларни ўз ичига олади. Мазкур жараёнда ўқитувчилар ўқувчиларга муайян билимларни ўзлаштиришга қаратилган аниқ маслаҳатлар берадилар, улар амалга оширадиган ўқув фаолияти натижаларини назорат қиладилар, ўзлаштириш даражаларини форматив баҳолаш имкониятига эга бўладилар, улар йўл қўйган камчиликлар ва бўшлиқларни аниқлаб ўқув жараёни лойиҳасига тузатишлар киритадилар.

Модулли ўқитиш технологияларидан кенг қўламда фойдаланиш натижасида интеллектуал, ижодий лаёқатлари рўёбга чиқади. Шу мақсадда ушбу технологияларни танлаш, саралаш ва модулли ўқитиш жараёнига тадбиқ қилиш зарурияти кучаймоқда. Модулли ўқитиш технологияларини педагогик амалиётга тадбиқ этишда бир қатор ҳолатларни ҳисобга олиш лозим. Жумладан, ўқувчиларнинг билимлар ва ўқув ахборотларини мустақил ўзлаштиришларига шароит яратиш, ўқитувчи билан ўқувчилар орасида ўзаро ҳамкорликка асосланган ўқув-билув ҳаракатларини йўлга қўйишдан иборат. Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчиларни мустақил билим олишга йўналтиради, ўзлаштириш даражаларини форматив баҳолаш имкониятига эга бўлади. Бундай вазиятда ҳар бир мавзу ўзлаштирилгандан кейингина янги мавзуга ўтиш имконияти таъминланади. Натижада ўқувчиларда ўқув фаолиятига нисбатан ижобий мотивация ҳосил бўлади. Ўқитувчи уларнинг ўқув фаолиятларини мувофиқлаштиради ва мустақил ижодий фаолиятларини, интеллектуал соҳаларини ривожлантириш жараёнларини тизимли тарзда ташкил этишга эришади.

Модулли ўқитиш технологиялари инновацион педагогик ҳодиса ҳисобланади. Шу билан бир қаторда таълим соҳасида мавжуд бўлган барча ижобий тажрибаларни ўзида жамлайди. Модулли технологияларни қўллашда ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Анъанавий ўқув жараёнида модулли ўқитиш технологияларини қўллаш алоҳида самарадорликка эришиш имконини беради. 5-9-синфлар кесимида янги мавзуларга оид маълумотларни модулли ўқитиш технологиялари билан боғлаш имконияти мавжуд. Айниқса кичик маърузалар шаклида тақдим этиладиган янги билимларни ўз ичига олган маърузаларни модулли ўқитиш технологиялари билан боғлаш қулай ҳисобланади. Бунда тарбия, адабиёт, иқтисодиёт, ҳуқуқ ўқув фанлари катта имкониятларга эга. Модулли технологиялар ёрдамида ўқувчиларнинг интеллектуал соҳаларини ривожлантириш муайян афзалликларга эга. Бунда ўқувчилар билан индивидуал, гуруҳли, жуфтликларда ишлаш орқали уларнинг интеллектуал ривожлантириш имкониятлари кенгайди.

Модулли ўқитиш технологиялари дарс мақсадига мос тарзда танланиб, аниқ дидактик функцияларни бажаради. Ушбу технологиялар ёрдамида ўқув материаллари ўқувчилар томонидан осон ўзлаштирилади. Улар ўзлаштирган билимлар изчиллик характериға эга бўлади. Модулли ўқитиш технологиялари модулга асос-

ланган педагогик жараёни ташкил этиш имконини беради. Модулли ўқитиш технологиялари таркибига ўқув ҳаракатларининг мақсади, педагогик жараён лойиҳаси, ўқувчиларга тақдим этиладиган маълумотлар банки, дидактик мақсадга эришиш имконини берадиган воситалар қамраб олинади. Унда ўқув мавзулари, унга мос ўқув материаллари, ўқитиш методлари, мустақил ишлаш учун мўлжалланган топшириқлар мужассамлашади. Шунингдек ўқув-билув фаолиятининг жадаллашуви кузатилади.

Модулли ўқитиш технологиялари ёрдамида ўқувчиларга табақалаштирилган ҳолда топшириқлар бериш, ўқув жараёнини оптималлаштириш, муаммоли вазиятларни ташкил этиш имкониятлари яратилади. Модулли ўқитиш технологияларини танлашда муайян принциплар ва қонуниятларга таянилади. Модулли ўқитиш технологиялари бир қатор педагоглар томонидан тадқиқ этилган. Улар жумласига Т.Н.Шамовалар, С.Я.Батышев, К.Я.Вазина, П.Ю.Оцвяичене, Н.Н.Суртаева, Р.Г.Сафарова кабиларни киритиш мумкин. Модулли ўқитиш технологияларнинг ўзига хос жиҳати шунданки, мазкур жараёнда ўқувчилар мустақил тарзда дидактик модуллур билан ишлайдилар ва ўқув жараёнига қўйилган асосий мақсадга эришиш имкониятига эга бўладилар. Модулли ўқитиш технологиялари бошқа таълим технологияларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади. Улар:

- таълим мазмунини ўзида мужассамлаштирган яхлит блоклар сифатида намоён бўлади. Блок таркибидаги ўқув материалларини ўзлаштириш ўқув жараёни мақсадига эришиш имконини беради. Ўқув жараёнининг мақсади ўқитувчи томонидан шакллантирилиб ўзлаштириладиган ўқув материаллари билан бир қаторда уни ўқувчиларга етказишга хизмат қиладиган таълим технологияларини танлаш имконини ҳам беради. Ўқувчи ҳамда ўқитувчи орасидаги мулоқотнинг шакли ўзгаради. У модул ҳамда шахсий индивидуал мулоқот шаклида амалга ошади. Айнан модуллар ўқув-тарбия жараёнини субъект-субъект муносабатлари асосида ташкил этиш имконини беради. Модулли технологиялардан фойдаланиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга мустақил ўзлаштириш учун зарур материалларни излаб топиш ҳақида кўрсатмалар беради.

- модулли ўқитиш технологияларини қўллаганда ўқувчилар ўқув жараёнининг аксарият қисмида мустақил ишлашга муваффақ бўладилар. Натижада ўқувчилар ўзларининг ўқув ҳамда мустақил билим олиш фаолиятларини лойиҳалаш, ташкил этиш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўзлари ва синфдошларининг ўзлаштирган билимларини баҳолаш кўникмасига эга бўладилар. Бу эса ўқувчиларга ўз-ўзларини мустақил ривожлантириш имконини беради. Улар ўз фаолиятларини таҳлил қиладилар, йўл қўйган ҳато ва камчиликларини аниқлашга муваффақ бўладилар. Модулли ўқитиш технологиялари ўқувчиларда рефлексив фаолиятни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўқитувчи эса дидактик жараёни модулли ўқитиш технологиялари ёрдамида ташкил этади ва бошқаради. Шунга кўра ўқитувчилар модулли технологиялардан фойдаланган ҳолда педагогик, психологик, методик билимлардан хабардор бўлишлари керак.

- модулли ўқитиш технологиясини қўллаш натижасида ўқитувчи ҳар бир ўқувчига алоҳида-алоҳида маслаҳатлар бериш, уларни қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун ўқитувчилар модулли технологияларни ўз ўрнида

қўллаш тажрибасига эга бўлишлари керак. Ҳар бир дарс лойиҳасида мужассамлашган дидактик мақсадлар билан боғлиқ тарзда модулли технологияларни қўллаш назарда тутилади.

Шу тариқа модулли технологияларни ўқув жараёни сифатини таъминлаш билан бир қаторда ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш имкониятига эгаллиги ҳам яққол намоён бўлади.

Адабиётлар:

1. Батышев С.Я. Блочно-модульное обучение. – М.: Профессиональное образование, 2006.
2. Жанпейсова М.М. Модульная технология как средство развития ученика. – Алматы, 2001
3. Левитес Д.Г. Практика обучения: современные образовательные технологии /Книга для учителя. – Мурманск, 2007.
4. Сафарова Р.Г. Модулли технологиялардан ўқувчиларнинг креатив қобилиятлари ва маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантиришда фойдаланиш имкониятлари. “Ўзбекистон таълим тизимида модулли ўқитиш технологияларини қўллаш истиқболлари: муаммо ва ечимлар” мавзусида республика миқёсида илмий-амалий конференция материаллари – Тошкент, 2018 йил 18-19 октябрь, - 10-13-бетлар.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада модулли ўқитиш технологияларининг тавсифи, унинг таркиби, ўзига хос дидактик жиҳатлари, ўқувчиларнинг интеллектуал соҳаларини ривожлантириш имкониятлари ҳақида фикр юритилган. Модулли ўқитиш технологияларининг ўқув жараёни структурасида тутган ўрни ҳақида баён этилган. Ушбу мақоладан таълим муассасаси педагоглари, малака ошириш курси тингловчилари, тадқиқотчилар ва олий таълим муассасаси профессор ўқитувчи ва талабалари фойдаланишлари мумкин.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается описание модульных технологий обучения, его структура, особенности дидактики, возможности развития интеллектуальных полей учащихся. Описана роль модульных технологий обучения в структуре учебного процесса. Данная статья может быть использована педагогами, стажерами, исследователями, а также преподавателями и студентами высших учебных заведений.

SUMMARY

This article discusses the description of modular learning technologies, its structure, features of didactics, the possibility of developing the intellectual fields of students. The role of modular learning technologies in the structure of the educational process is described. This article can be used by teachers, interns, researchers, as well as teachers and students of higher educational institutions.

BOSHLANG‘ICH SINFLARDA ADABIY TA‘LIMNING UMUMNAZARIY MASALALARI VA O‘QUVCHILARDA INTELEKTUAL ANGLASH MALAKALARINI SHAKLLANTIRISH

Norliyev A.

Termiz davlat pedagogika instituti

“Ta’lim va tarbiya metodikasi (boshlang‘ich ta’lim)” magistranti

Tayanch so‘zlar: boshlang‘ich sinf, adabiy ta’lim, badiiy adabiyot, pedagog, o‘quvchi, tarbiya, shaxs, intellekt, darslik.

Ключевые слова: начальный класс, литературное образование, художественная литература, педагог, ученик, воспитание, личность, интеллект, учебник.

Key words: primary class, literary education, fiction, pedagogue, student, education, personality, intellect, textbook.